

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ**

МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ ДАСТУРИ

(услубий кўрсатма)



Термиз- 2014

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ

“Тасдиқлайман”
ўқув ишлари проректори
..... доц. Б.Иманов
“.....” 2014 й

МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ
ДАСТУРИ

*Мактабгача таълим 2 курс талабалари учун
услубий йўриқнома*

Термиз -2014

Малакавий амалиёт жараёнида талабанинг давлат таълим стандартларида белгиланган касбий амалиёт кўникмаларига босқичма-босқич эришиш кўзда тутилган. “Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” ва “Болажон” дастури талаблари асосида таълим-тарбия ишларни режалаштириш, тарбиячи фаолиятини кузатиш ва ўрганиш, шунингдек, болаларни кутиб олиш ва кун охирида кузатиш, оналар билан муносабат каби масалаларни ўрганиш мазкур малакавий амалиётнинг бош мақсади ҳисобланади. Малакавий амалиёт дастурида талаба амалиёт даврида бажариши лозим бўлган вазифалар батафсил ёритилган.

Тузувчилар: доц.Норбошева М.О., ўқит.Йўлдошева Ф.М.
Такризчилар: к.ўқ. З.Хасанова., ўқит. Норбошева М.

Ушбу малакавий дастур мактабгача таълим кафедрасининг 2014 йил 28 августдаги 1-йиғилишида муҳокама этилган ва фойдаланиш учун тавсия қилинган.

Кафедра мудири :

доц. Норбошева М.О.

Кириш

Малакавий амалиёт – кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади. **5111800-** Мактабгача таълим йуналиши ДТС талабига мувофиқ малакавий амалиёт деб номланади. Талаба ушбу амалиёт давомида мактабгача таълим муассасаси ишини ҳар томонлама урганиш ва таҳлил қилиш, шунингдек турли мазмундаги методик иш шакллари, мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган тарбиячи ва услубийчиларнинг иш фаолиятини кузатади ва урганади.

Малакавий амалиёт жараёнида талабанинг таълим стандартларида белгиланган касбий амалиёт қуникмаларига босқичма-босқич эришиш кузда тутилган.

Мазкур амалиёт жараёнида талаба тарбиячи ва услубийчининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик, педагогик, гигиеник ва бошқа томонларини урганади.

Малакавий амалиётга иккинчи курс укув режасидаги фанларни тулик узлаштирган талаба рухсат этилади ва университет ректорининг буйруғига мувофиқ амалиётни курсатилган манзил ва муддатда утайдилар. Малакавий амалиёт соатларини қуйидаги дастур асосида бажаради ва талаб даражасида ҳисобот тайёрлайди.

Дастур

Малакавий амалиёт даврида амалиётчи мактабгача педагогика ва рухшунос уқитувчилари раҳбарлигида болалар муассасаларида таълим тарбиявий жараённинг турли томонларини кузатадилар, таҳлил қиладилар, гуруҳларда амалга ошириладиган укув-тарбиявий ишлар режасини урганадилар.

Малакавий амалиёт – талабаларнинг фанлардан эгаллаган назарий билимларини мустаҳкамлаб ва чуқурлаштирибгина қолмай, балки уларда зарурий педагогик малака ва қуникмаларини ҳам шакллантиради.

Малакавий амалиёт – бу узаро боғлиқликни чуқурлаштиради ва талабага назарий билимларини амалиётда қўллаш, бошланғич педагогик тажриба орттириш имконини беради.

Малакавий амалиёт давомида Бакалавр:

- Мактабгача таълим муассасаси ишини ҳар томонлама урганиш ва таҳлил қилиш, шунингдек турли мазмундаги методик иш шакллари, мудира ва катта тарбиячининг таълим-тарбиявий ва методик ишларга раҳбарлик иш услублари билан яқиндан танишиш **малакасини ҳосил қилиши ва улардан фойдалана олиши лозим.**

Малакавий амалиётнинг вазифалари

- Таълим-тарбиявий жараёнда болалар ҳаётини гуруҳларда ташкил этишни кузатиш ва таҳлил қилишга ургатиш.
- Учинчи минг йилликнинг боласи дастури талаблари асосида таълим-тарбия ишларни режалаштириш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш ишларини ташкил этишга ургатиш.

Амалиётчи талабанинг иш режаси

- МТМ билан танишиш.
- Бириктирилган гуруҳни кузатиш ва урганиш.
- Бириктирилган гуруҳда маънавий-маърифий ишларни урганиш.
- Машгулот жараёнларининг ташкил этилишини кузатиш.

Амалиёт даврида талабанинг мажбуриятлари

- Мактабгача таълим муассасаларида амалиёт утказиш учун керакли иш хужжатларини талабга мувофиқ тайёрлаш.
- Мактабгача таълим муассасасида малакавий амалиёт утказиш учун оқ халат, хонада қийиладиган оёқ қийимда бўлиши.
- Амалиётга уз вақтида бориши, берилган вазифа ва топшириқларни оғишмай бажариши.
- Мактабгача таълим муассасаси ички тартиб қоидаларига тула риоя қилиши ва мактабгача таълим муассасаси жамоаси билан ҳамкорликда ишлаши ва мулоқатда бўлиши лозим.
- Сабабсиз амалиётига бора олмаса муассасани олдиндан огохлантириш.
- Иш вақтида болаларни назоратсиз, ёлғиз қолдирмаслик, доимо болалар олдида бўлиши.
- Университет уқитувчилари ва амалиёт раҳбари билан узвий алоқада бўлишлари.
- Амалиёт бўйича иш хужжатларини, қургазмали қуролларни топшириш.

Изоҳ; Амалиётдан баҳоланмаган талабалар сессияга киритилмайди.

Амалиётчи талабанинг вазифаси

1. Малакавий амалиёт даврида амалиётчи талаба университет раҳбарияти йуланмасига (буйругига) асосан МТМ педагогик жамоасининг муаккат аъзоси ҳисобланади. У амалиёт даврида таълим-тарбияга оид саволлар билан МТМ томонидан бириктирилган амалиёт раҳбари ва МТМ маъмурияти ҳамда МТМ тарбиячиларига мурожаат этишга ҳақлидир. Амалиётчи талаба иш урганиш мақсадида МТМ педагогик йигилишларида катнашиши мумкин. Шунингдек, МТМ даги ўқув-услубий кулланмалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

2. Амалиётчи талаба МТМ Устави бўйича барча ички-тартиб қоидаларига бўйсунди. Агар амалиётчи талаба маъмурият талаблари, амалиёт раҳбари курсатмаларини бажармаса, шунингдек, МТМ тартиб-қоидаларини бузса, малакавий амалиётдан четлаштирилади ва бу ҳақда тегишли хат орқали кафедра ёки университет ўқув бўлимига хабар қилинади. Бундай ҳолда талаба амалиёт утамаган ҳисобланади.

3. Амалиёт жараёнида талаба кундалиқ дафтар юритади. Кундалиқ дафтар амалиётчи талабанинг асосий ишчи ҳужжати ҳисобланиб, унинг педагогик фаолияти ёритилиб борилади.

4. Малакавий амалиёт тугаганидан сўнг амалиётчи талаба малакавий амалиёт даврида бажарган ишлари тўғрисида мактабгача таълим кафедрасига ҳисобот топширади.

- амалиётчи талабанинг шахсий иш режаси (амалиёт раҳбари томонидан тасдиқланган)
- кундалиқ дафтар
- МТМ тарихи ва МТМ жамоаси тўғрисида маълумот;
- мустақил тайёрланган мақола (фотосуратлар билан биргаликда)
- амалиёт ўтаганлиги ҳақида маълумотнома
- МТМ маъмурияти томонидан амалиётчи талабанинг амалиёт давомидаги фаолиятини баҳоловчи тавсифнома.
- Малакавий амалиёт тугрисида амалиётчи талабанинг ҳулосаси;
- талабанинг алоҳида фикр-мулоҳазаси, ҳулоса ҳамда таклифлари.

Ҳисобот МТМ амалиёт раҳбари томонидан имзо қўйилиб, муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

Малакавий амалиёт 2 курсда бир ҳафта давом этиб, мактабгача таълим муассасаларида утказилади.

Мактабгача таълим муассасаларида малакавий амалиётни ташкил этиш

Талабалар малакавий амалиёт даврида:

- ❖ Мактабгача таълим муассасаси шароити, жойлашиши, ҳамда педагогик жамоаси ва бошқа хизматчилар билан танишиш.
- ❖ Мактабгача таълим муассасаси гурухлари билан танишиш, гурухларга таксимлаш ва тарбиячиларга бириктириш.
- ❖ Талабалар бириктирилган гурухларнинг болалари, уларнинг ота-оналари билан танишадилар.
- ❖ мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия жараёнини кузатадилар ва таҳлил киладилар
- ❖ Тарбиячиларнинг ишларини кузатадилар
- ❖ Болалар жамоасини, уларнинг тараккиёт тарбияланганлик даражаларини, индивидуал /якка-якка/ хусусиятларини урганадилар.
- ❖ гурухлардаги болаларни жойлаштирилиши, гурух жихозланишини кузатадилар
- ❖ болалар жамоаси билан танишадилар
- ❖ Кундалик дафтарга педагогик жараёнлар ҳисоботини ёзиб бориш;
- ❖ Катта тарбиячи иши, иш ҳужжатлари, методик хонани жихозланиши билан танишиш;
- ❖ Якуний конференция учун кургазмали материаллар ва иш ҳужжатлари тайёрлайдилар.

Талабалар малакавий амалиёт даврида:

- Тарбиячилар билан гуруҳдаги таълим тарбиявий ишларни кузатадилар, таҳлил ва муҳокама киладилар.
- Уларнинг «мактабгача таълим муассасаси»да таълим-тарбия дастури талабларига муваффиқлиги ҳақида қисқа ёзма ҳулоса тузаядилар.
- Гуруҳларда тарбиявий ишларни режалаштириш ва уларни ҳисобга олиши иш шакллари билан, шунингдек болалар богчасининг мудираси ва катта тарбиячисининг иши билан ҳам танишадилар.
- Кун тартибини кузатиш (кундалик жараёнларнинг мазмуни, тузилиши ва давомийлиги).
- Кундалик жараённинг таксимланиши ва бажарилиши.
- Болаларнинг фаол бедорлигини таъминловчи шароитларни кузатиш.
- Тарбиячининг кун тартибини ташкил этишга қаратадиган фаолиятини кузатиш, урганиш.
- Бедорлик жараёнида болаларнинг уз қобилиятларини курсата олишларини кузатиш, урганиш.
- Мудира, тарбиячи, энага, тиббиёт ҳамшираси томонидан олиб бориладиган ишлар мазмунини узаро алоқадорлигини урганадилар.

Амалиёт даврида фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар:

1. Таълим тўғрисидаги Қонун Т., 1997
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Т.,1997
3. Расулова.М, Абдурахмонова.Х ва бошқ. Мактабгача ёшдаги болалар таълим- тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари. -Т.: Ўз ПФИТИ, 2000.
4. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари. Т.,2012
5. “Болажон” таянч дастури. Тошкент, 2010 .
6. Даминов М., Адамбекова Т. Уйин машғулоти. -Т.: Ўқитувчи
7. Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси. -Т.: Ўқитувчи. 1993.
8. Хасанбоева О.У. ва бошқ. Мактабгача таълим педагогикаси.Т.: Илм зий. 2006.
9. Отавалиева У. Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги. -Т.: 1994.

